Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 2 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 26 (6922)

Da'vat

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шундан билурсанким илм бепоён.

А. ФИРДАВСИЙ.

Ibrat

Марҳамат туманида ташкил этилган «Шуҳрат» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Тожимирза Нуриев яқинда иқтисодий қийинчилик сабабли ёпилиб қолган 60 ўринли болалар боғчасини таъмирлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХАЛҚ БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланадиган юксак бадиий буюмларни тайёрлаш, асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш ҳамда халқ ҳунармандларига давлат томонидан мадад кўрсатиш мақсадида:

1. Хонадон шароитида юксак бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ ҳунармандларига уларни маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, қўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказишда, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар ва киоскалар тармоғини ташкил қилишда, ёшларни халқ санъати усталарининг қўникмаларига ўқитиб ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган ҳамда илова қилинаётган рўйхатга мувофиқ хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хонадон шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг мазкур турлардаги буюмларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар.

Ушбу рўйхатдаги буюмлар республикадан ташқарига сотилиши чоғида улардан олинадиган бож ҳақи бекор қилинсин.

3. Бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг энг яхши намояндалари хизматларини, уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантиришга ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўшган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида «Узбекистон Республикаси халқ устаси» унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Халқ усталарининг, «Усто» бирлашмаси ва «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказининг ушбу марказ ҳузурида халқ ҳунармандларининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бўлинмаларга эга булган «Ҳунарманд» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

халқ ҳунармандларининг меҳнат фаолияти масалаларини мувофиқлаштириш, республика қонунчилиги томонидан уларга бериладиган ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳимоя қилиш;

усталар ва ҳунармадларни моддий-техника ресурслари, асбоблар, кичик механизация воситалари билан таъминлашни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан экспорт қилишда ёрдам беришни назарда тутган ҳолда уларга уйда ишлашлари учун шарт-шароитлар яратишда кўмак бериш;

бозор талабларини ўрганиш ҳамда юксак бадиий буюмлар тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

мамлакат ичкарисида ва чет элларда халқ усталарининг буюмлари кенг тарғиб ва реклама қилинишини, расмий материаллар ва каталоглар чиқарилишини, қўргазмалар ва кимошди савдолари ўтказилишини ташкил этиш;

халқ санъатининг ноёб турларини ва буюмларнинг юксак бадиий нусхаларини тайёрлашда анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда бу иш қўникмаларини ёшларга сингдириш, моҳир усталарни тайёрлаш бўйича махсус мактаблар ташкил қилиш.

6. Шу нарса белгилансинки, халқ ҳунармандларининг республика «Ҳунарманд» уюшмаси маблағлари уюшманинг ўз тадбиркорлик фаолияти, аъзоларининг бадаллари, ҳомийларнинг, Узбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш юридик шахслар ва халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланади.

Уюшмага бир йўла молиявий ёрдам кўрсатиш учун 150 миллион сўм, шу жумладан Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг маблағлари ҳисобидан — 50 миллион сўм, Меҳнат вазирлигининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан — 50 миллион сўм, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан — 50 миллион сўм ажратиб берилсин.

7. «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга ҳудудий уюшмаларни ташкил этиш ва уларнинг нормал ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин;

«Ҳунарманд» уюшмасининг таъсис конференциясини ўтказсин ва унинг низомини қабул қилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 март.

1997 йил 31 мартдаги Фармонга илова

ХАЛҚ БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИ БУЮМЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Ганч, ёғоч, суяк, тош ўймакорлиги буюмлари
Ёғоч ва металлдан тайёрланган нақшин безакли буюмлар
Қандакорлик буюмлари, пичоқлар
Кулолчилик ва керамика буюмлари
Заргарлик буюмлари
Қўлда тўқилган гиламлар, полослар ва атлас газламалар
Бадиий безаб ишланган шиша буюмлар
Зардузи буюмлар, каштачилик, шу жумладан чокли буюмлар
Миллий чопонлар, дўппилар
Гул босилган газламалардан тайёрланган буюмлар
Миллий сандиқлар
Миллий мусиқа асбоблари
Миниатюра шаклидаги рассомчилик буюмлари (лак берилган миниатюра, қоғозга, терига, газламага, қовоққа, суякка туширилган миниатюра)
Сирланган нақшин безакли буюмлар
Ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар
Майда ҳайкалтарошлик буюмлари
Керамика ва ёғочдан тайёрланган ўйинчоқлар
Тол новдаларидан, қамиш, похолдан тўқилган буюмлар
Миллий бешиклар
Миллий пойабзал, босма нақшли чарм буюмлари

Olimpiada-97

Ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси янги-янги иқтидорли болаларни кашф қиладиган катта синов, республикамизнинг турли бурчакларидан келган билимдонларни учраштирадиган ҳамда уларни бир-бирига яқинлаштирадиган улкан анжумандир.

25-30 март кунлари бўлиб ўтган ушбу анжуман истиқлолимиз Наврўзининг олтинчи баҳори бошланишида, ўзининг буюк алломалари билан бутун дунёни лол қолдирган ва илму маърифатда жаҳон тарихида катта эътибор қозонган Бухорои шариф ва Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланадиган ва иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича «Умид» жамғармаси тузилган йилда ўтди.

Шуниси эътиборлики, олимпиада талаблари йилдан-йилга ошиб боряпти. Шу билан бирга ана шу талабларга мос ўқувчилар сони ҳам йил сайин қўпаймоқда. Республикада ўтказилган олимпиадалар тарихига бир назар солсак, талабчанлик асосида ўтган бу йилги олимпиада натижаси ўтган йиллардагидан ўзининг сифат даражаси юқорилиги билан ажралиб турди.

МАКТАБ ПАРТАСИДАЁҚ ТАЛАБА БЎЛИШДИ!..

Иқтидорлилар баҳсида кутилмаган воқеа юз берди. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-лицей ўқувчиси Нозимахон Амонованинг француз тили фанидан тўплаган бали энг юқори бўлди. Олимпиада натижаларини кўрсатиб берадиган телевизор-таблода 100 балл 100 баллик тизимда ёзуви пайдо бўлганда залдаги барча томошабинлар ° ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар беихтиёр қарсак чалиб юбордилар. Бу ҳақиқатан ҳам ҳамма иштирокчи орзу қиладиган ва камдан-кам кишига насиб этадиган бахтли онлар эди.

Бундан ташқари, Наманган вилояти Чуст туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Фазилат Шаҳобиддинова рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида) фани бўйича (78 балл) ғолиб бўлганини, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 138-мактаб ўқувчиси Алёна Тей ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчисининг ўзбек тили фани бўйича 72 балл тўплаганини, Наманган вилояти команда ҳисобида республикада 1-ўринни эгаллаганини қувонч билан қайд этиш жоиз...

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

(Олимпиада тўғрисидаги таҳлилий мақола ва унинг иштирокчиларининг таклиф-мулоҳазалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз).

СУРАТЛАРДА: француз тили билимдони Нозимахон Амоновани ўқитувчиси Саид Раҳмонов чин дилдан қутлаяпти. Олимпиада қатнашчиси Алёна Тей компьютер билан мулоқотда.

Равиль АЛЬБЕКОВ, Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Munosabat

МДҲГА ОРТИҚЧА ВАКОЛАТ КЕРАК ЭМАС

Ҳур Ўзбекистоннинг оддий фуқаросиман. Ўқитувчилик қиламан. Айни кунларда Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар бошлиқлари учрашувининг акс садоси тугаганича йўқ. Шу ҳақда менда ҳам фикр билдириш истаги туғилди.

Бугунги ҳурриятнинг мен учун нақадарлигини бир мисолда айтмоқчиман. Бобомнинг озгина ерлари борлиги учун «қулоқ» қилиниб, Жиззах тоғларида забонсиз ўтиб кетганларини, отамнинг эса шу «қулоқнинг фарзанди» сифатида азоб чекканларидан огоҳман. Ўз ерида қўрқув исканжасида яшаш нақадар даҳшатли. Буларнинг ҳаммаси «қарам тутиш» сиёсатининг ҳосиласи ҳисобланади,. Мустақиллика эришганимиздан сўнг ҳар хил баҳоналар орқали бир сиёсий тузилма «ясаш» марказ тузиш уни яна қандайдир «акалар» бошқариши борасидаги ниятлар турли шаклларда намоён бўла бошлади. Бунинг замирида алдов бор, макр бор.

Бу борада ҳукумат, хусусан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тутаётган йўлнинг тўғрилигини таъкидлашни истардим. Кечаги учрашув натижалари тўғрисида ўз ахборот воситаларимиздан ташқари «Время»дан ҳам, «ВВС» радиосидан ҳам эшитдим. Юртбошимизнинг аниқ ва собит фикрларини улар ҳам таъкидлашганини эшитиб, рости фахрландим.

Ҳақиқатан ҳам МДҲ конфедерация эмас, у ўзаро фойдали алоқаларни мустаҳкмлашга хизмат қилиши, унга аъзо бўлган мамлакатларнинг манфаатларига баробар хизмат қилиши керак. Акс ҳолда у айрим давлатларнинг раъйига қараб ишлай бошлайди. Бунинг оқибатини аввалдан тасаввур қилиш қийин эмас.

Бунга интилиш айрим давлат сиёсатдонларининг кўнглидаги ният. Демак, уларнинг барча ҳаракатларини кузатиб бориш, фикр билдириш ёшларимизни ҳам шундай хушёрлик ва фидоийлик билан яшашга ўргатиб бораверишу бу биз — ўқитувчиларнинг ҳам вазифамизга киради.

О. АБДУЛЛАХОН ўғли,
Тайлоқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни расмий ташриф билан Греция Республикасига жўнаб кетди.**
- **«Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.**
- **24 апрель куни бошланадиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Парламентнинг самарали ишлашини таъминлаш учун тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлисида бир талай ташкилий масалалар кўриб чиқилди.**
- **АҚШ билан Россия ўртасидаги олий даражадаги музокаралар ўз мухолифлари томонидан танқид қилинаётган бўлсада, Борис Ельцин бу учрашув натижаларини ижобий баҳоламоқда.**
- **Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Киевга ташрифи чоғида Украина, Грузия ва Озарбайжоннинг 600 нафар ҳарбий хизматчидан иборат тинчликни сақлаш кучлари ташкил этиш борасида ахдлашувга эришилди.**
- **Толибларнинг афғон аёлларига ишлашни тақиқ этганлиги боис инсонпарварлик ёрдамини тўхтатган Франциянинг Афғонистондаги «Очликка қарши ҳаракат» ташкилоти яна ўз фаолиятини давом эттира бошлади.**
- **Араб давлатлари уюшмасига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Қоҳирада бўлган кенгашида бу мамлакатлар Исроилнинг Шарқий Қуддусда исроилликлар учун турар жой бинолари қуришга оид режасига қарши эканликларини айтишди.**

Ta'limda tadbirkorlik

МУАЛЛИМ МАНФААТДОР БЎЛСА...

Одамзот яралибдики, ишласа тишлаб келган. Кимки бу мерос ақидадан тонса қисмати барчага аён. Гарчи бу фикримиз оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юрувчиларнинг бироз пешонасини тириштирса-да, начора, бор ҳақиқат шу.

Бугун шундай бир даврда яшаяпмизки, кечаги куннинг «берсанг ейман...» деган ақидаси давр дафтарининг зарвараҳидан учириб ташланган. Аммо бу «нозик» йўқотишни кимдир илғаяпти, кимдир...

Бугун ҳамма тирикчилик деб аталадиган тўрвани елкалаб юрган бир пайтда, республикамиз миқёсидаги ўрта умумтаълим мактабларида ҳам ўз-ўзига қўшимча даромад топиш йўллари ахтарилаяпти. Дейлик, қайсидир мактаб ўзида устахона очган, қайсиниси боғдорчилик билан, қайсиниси пахтачилик билан шуғулланишмоқда. Бироқ шу ўринда баъзан ҳақли саволларга рўбарў келиб қоласиз.

Аввало, мактабнинг ўз вазифаси бор. Агар мактаб ҳар куни миллионлаб пул топса-да, ўқиш-ўқитиш ишлари қўнгилдагидек бўлмаса, демак, у даргоҳ ўз вазифасини бажармаяпти. Шу нуқтаи назардан мактабнинг қўшимча даромад топиши, илм бериш жараёнини сустлаштирмайдими? Ёки ўқувчи пахта чопиб, дарахт ўтказиб, устачилик қилиб арзон ишчи кучига айланиб қолмаяптими?

Йўқ! Нима учун «йўқ»лигини энди ўқийсиз.

Яқинда Республика Халқ таълими вазирлигида Жиззах вилоятининг баъзи туманларидан келган мактаб директорлари билан юқоридаги мавзу буйича давра суҳбати булиб ўтди. Йиғилишни республика мактаблар бошқармаси бошлиғи Гуландом Алимова очди. Давра иштирокчилари ўз фаолиятлари хусусида қуйидагиларни сўзладилар:

Турсун ҒОЗИБЕКОВ, Бахмал тумани Й. Охунбобоев номидаги 14-мактаб директори:

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биз ҳам мактабимизда қўшимча даромад топиш учун саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Ҳозирда мактабимизнинг 5 гектар ери бўлиб, 1000 тупдан зиёдроқ сара навли олма кўчати ўтказилган. Бундан ташқари 1000 туп вояга етган теракларимиз бор. Ана шулар эвазига ҳар йили анча-мунча даромад оламиз.

Шу кеча-кундузда мактабимиз ҳисоб рақамида 60 минг сўм пулимиз бор. Яна мактабимизнинг ун тегирмони ҳам бўлиб, бундан ҳам яхшигина фойда оламиз. Бизнинг топган бу пулларимиз мактабни таъмирлаш учун, ўқитувчиларни, ўқувчиларни моддий рағбатлантириш учун ишлатиляпти.

Мирзаахмад АБЕРҚУЛОВ, Дўстлик туманидаги 10-таянч мактабининг директори:

— Туманимиз халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги томонидан қишлоқ мактаблари учун ер майдонлари ажратиб берилган. Ана шундан бизнинг тасарруфимизга тушган 67 гектар ердан ҳар йили кўплаб даромад оляпмиз. Биз асосан пахтачилик билан шуғулланамиз. Биргина ўтган 1996 йилда 980 минг сўм даромад олдик. Бун-

(Давоми 2-бетда).

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ КЎРКИ
3-БЕТ.

ОҒИР СЎЗ «ЮК»И
4-БЕТ.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ИСТЕЪДОДЛИ ХАЛҚ — ИСТЕЪДОДЛИ ФАРЗАНД ЯРАТАДИ

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг мажлислар залида Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан «Хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг дунё тажрибаси» мавзуидаги халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди.

Уни Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор Юсуф Абдуллаев кириш сузи билан очди. Анжуман қатнашчиларини Самарқанд вилоят ҳокимлиги номидан, ҳоким ўринбосари Илҳом Рашидов табриклади. Шундан сўнг УзПФТИ директори, профессор Д. Шодиев «Узбекистонда таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг долзарб муаммолари», Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни танлаш маркази директори, профессор Б. Қодиров «Хорижда ва Ўзбекистонда истеъдодли болаларни психологик танлашнинг қиёсий таҳлили» мавзуларида маъруза қилдилар.

Айниқса, АҚШлик ўқитувчи Роберт Клайннинг ўрганувчиларга йўналган тарзда чет тилини ўқитиш бўйича кўрсатмаларнинг ривожланиши, франциялик олим Иван Кабаковнинг «Францияда таълимнинг долзарб муаммолари» темаларида ҳамда икки кун давомида анжуман қатнашчилари 26 тадан зиёдроқ қизиқарли ва мазмунли маърузалар тингладилар. Анжуманнинг асосий мақсади хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг дунё тажрибасига қаратилди.

Эшмирза МАҲМУДОВ.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

«ДАМАС»ЛАР БОЛАЛАРГА СОВҒА

Бу йил инсон манфаатлари йили. Бунинг тасдиғи ўлароқ яқинда Хўжайли шаҳридаги кар ва заиф эшитувчи болалар республика мактаб-интернатига «Дамас» машинаси совға қилинди. Гап шундаки, Жаҳон банки Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси ҳисобига пул ўтказди ва шу маблағ эвазига машиналар сотиб олинди.

«Дамас» машинасини Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши раиси ўринбосари Б. Бектурдиев топширди. Шунингдек «Дамас» машиналари Хўжайлидаги ёрдамчи махсус мактаб-интернатга ва сколиоз касалига чалинган болалар мактаб-интернатига ҳам топширилди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

Iqtisod saboqlari

ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Демак, инвестицияларни фақатгина маблағ-пул кўринишида эмас, балки жуда кенг маънода, яъни мулкий ва интеллектуал бойликлар кўринишида ҳам тасаввур эта билишимиз керак.

«Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунда умумий қоидалардан ташқари чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, инвестициялар кафолатлари, чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар барпо этиш ва бу корхоналар фаолиятининг умумий қоидалари, инвесторларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқа мулкий-ҳуқуқий масалалар тўлиқ акс этган. Булар билан танишган ҳар қандай чет эллик сармоядорда мамлакатимиз ҳудудига инвестициялар киритиш истаги табиий равишда туғилади.

Мамлакатимизнинг йирик иқтисодчи олими, академик Саидаҳрор Ғуломовнинг таъкидлаши бўйича, хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда Ўзбекистонда қуйидаги тамойилларга асосланилаяпти:

— биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

— иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

— учинчидан, жаҳон андозалари даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

— тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Ҳозирги кунда замонавий, илғор, илму фаннинг энг юқори талабларига мос келадиган технологик асбоб-ускуналарни келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш энг долзарб муаммолардандир. Бу иш чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар барпо этиш йўли билан амалга оширилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда, хорижий инвесторларнинг улушбай иштирокидаги қўшма корхоналар ва бутунлай чет эллик инвесторларга қарашли бўлган корхоналар (чет эл корхоналари) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишида қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилган. Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва инвестиция сиёсатидаги муҳим устивор йўналиш бўлиб ҳисобланади. Чунки бошқа вариантларда қўшма корхона ниқоби билан мамлакат бойликлари четга чиқиб кетиши мумкин. Шу боис мамлакатимиз қонунчилигида хорижий инвестицияларнинг мулкка ва олинган даромадни олиб кетишга бўлган ҳуқуқи ҳимоя қилишини таъминловчи, улар учун қулай инвестиция муҳитини яратувчи кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими белгиланган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини кўрсатиш тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатлар чиқариш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ман этилган.

Раҳбар ходимлар томонидан сунъий қаршиликларни тақиқлаш мақсадида идоралар ва тузилмалар етакчилари фаолиятига, энг аввало, хорижий инвестициялар жалб қилинишига ва қўшма ишлаб чиқаришлар сони кўпайишига кўмаклашишларига ҳамда рағбатлантиришларига қараб баҳо берилиши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда қўшма корхоналар уч хил йўналишда ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар:

1. Ишлаб чиқариш. 2. Аралаш. 3. Савдо.

Ҳар қандай корхона ташкил этилаётганда, аввало, унинг устав фонди шакллантирилади. Унинг манбалари эса ҳар икки томоннинг сармояси ҳисобланади. Бунда сармоянинг улуши икки томондан имзоланган шартномада кўрсатилади.

Инвестиция ҳар икки томон учун манфаат келтирувчи муҳим сармоя манбаидир. Яъни у инвесторга фойдани оширишга хизмат қилса, корхона, фирма, компания ёки мамлакатга иқтисодий тараққиёт имконини беради.

Сармояларнинг кафолатли ҳимояланиши, солиқ ставкаларининг пастлиги, замонавий суғурта хизмати, чет эллик тадбиркорларнинг Узбекистонга булган қизиқишини оширмоқда. Бу ўринда ҳаётий мисоллар тариқасида «УзБАТ», «ДЭУ», «Мерседес Бенц» компаниялари, бошқа бир қатор фирмалар республикамиз ишлаб чиқаришига қўйган сармояларда катта фойда олаётганини қайд этиш мумкин. Шунинг учун улар ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, «ДЭУ» ҳамма шаҳарларда ўз филиалларини очмоқда, «УзБАТ» Тошкент тамаки фабрикасини замонавий технология асосида қайта жиҳозлаб бўлиб, Самарқанд тамаки фабрикаси қурилишига киришди. Деярли ҳамма чет эллик сармоядорлар республикамиз ҳудудида ўз «ишларини» янада ривожлантириш йўлларини қидираётганликлари ҳозирги кунда сир эмас.

Биргина Наманган вилояти ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида вужудга келтирилган қўшма корхоналарни кўриб чиқайлик. Бу қўшма корхоналар асосан Канада, Польша, Чехия, Хитой, Туркия, Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон каби давлатлар сармоядорлари билан биргаликда ташкил этилган. Вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг устав фондига назар ташласак, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган «Ахсикент» қўшма корхонасининг устав фонди 1,4 миллион АҚШ долларига тенглигини кўрамиз, шундан 971 минг доллари ёки 69 фоизи маҳаллий томондан қўйилган. Туркия томонидан эса 436 минг доллар (ёки 31 фоиз) капитал қўйилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 2,6 баробар кўпайганлигини ҳам кўриш мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қўшма корхоналарда бир ишчи ҳисобига яратилган маҳсулот ва хизматлар оддий корхоналарга қараганда бир неча марта юқоридир. Наманган вилоятидаги ҳисоб-китобларга кўра, мавжуд корхоналарда бир ишчи ҳисобига яратилган маҳсулот ва хизматлар 63,4 минг сўмни, қўшма корхоналарда эса 321,7 минг сўмни ташкил этади.

Ватанимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай муҳит ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошиб кетди, фақат хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. Лекин ҳамма рўйхатдан ўтган корхоналар фаолият кўрсатяпти деб айтолмаймиз. Масалан, Наманганда 1996 йилда 52 қўшма корхона рўйхатга олинган бўлса, улардан фақаттина 50 фоизи, яъни 26 таси фаолият кўрсатмоқда. Қолган 26 таси турли сабабларга кўра иш бошламаганлар ёки ишни тўхтатганлар.

Бундай ҳолатнинг рўй беришидаги асосий сабаблардан бири бизда бозор тажрибаси ва билими камлиги ҳамда бизнес режаларнинг пухта ва салмоқли эмаслигидир. Одатда хорижий сармоя иқтисодий жиҳатдан аниқ самарага эга бўлган лойиҳаларгагина берилади. Бу борада етти ўлчаб бир кесиш эмас, балки етмиш ўлчаб бир кесиш даркор. Шундай экан, энг аввало, ўз тадбиркорларимизнинг билим ва савиясини, касб маҳоратини оширишимиз лозим. Инвестициялар бозорини ривожлантириш учун ҳам инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, реестр сақловчилари, қимматли қоғозлар бўйича билимдон мутахассисларни тайёрлашимиз керак. Бундай касб усталарини тайёрлашда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг роли ҳам каттадир.

Қисқа қилиб айтганда, бугунги кунда хорижий сармоялар ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига дадил кириб бормоқда. Инвестицион фаолликни ошириш республикамизда иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Нафиса МУҲИБОВА,
техника фанлари номзоди, доцент.
Ёркин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

(Давоми. Боши 15, 26 март сонларида).

Yangilik

ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ

Юқоридаги сурат халқаро академиядан Ўзбекистон халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Жўра Йўлдошевга берилган сертификат. Академия АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган бўлиб, унинг тўлиқ номи — фан, таълим, индустрия ва санъат халқаро академиясидир. Шу муносабат билан биз у кишини қутлаб, Академия ҳақида маълумот беришларини сўрадик.

— Мазкур Академия жаҳондаги ўзгараётган геополитик аҳвол сабаб ва жаҳондаги тараққийпарвар кучларнинг интилишларини бирлаштириш учун ташкил этилган. Бош мақсад — маданияти турлича халқлар ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилаш ва турли мамлакатлардаги мутахассислар кучларини бирлаштириш йўли билан фойдаланилмаган илмий ғоялар, маданият ютуқлари, технологиялар, ақлий ва индустриал заҳираларни амалга оширишда кўмаклашиш ҳисобланади. Дейлик, бизда ҳам амалга оширилаётган катта-катта ишлар бор. Мана шулардан бошқаларни бохабар этиш, яъни ҳар бир илмий янгилик ғояларини ушбу академия вақти-вақти билан ўтказадиган анжуман ва йиғилишларида айтиш, фикр алмашиш. Агар зарур бўлса янги ғояларни амалга оширишда ёрдам ҳам берилади. Бу бозор иқтисодиёти шароитига ўтишимизда интеллектуал имкониятлардан фойдаланишда жуда катта ўрин тутади. Академиянинг анжуман ва йиғилишлари савдо-иқтисодий миссиялари ташкил этиш, Ғарб ва МДҲ фирмалари учун маслаҳат марказларини ташкил этиш, савдо-техникавий ва маданий кўргазмалар уюштириш, халқаро конгресслар, семинарлар, бизнес-турлар ўтказиш, ахборот тизимини яратиш, жаҳондаги юксак технология ютуқлари ва маҳсулотларини тарғиб қилиш, танловлар ўтказиш тартибида ўтади. Шунингдек, нишонлар, мукофотлар, фахрий унвонлар билан тақдирлаш ишлари йўлга қўйилади.

Академиянинг АҚШ, Марказий Осиё, Канада, Франция, Германия, Россия, Италия, Болгария, Украина, Грузия, Арманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Италия, Исроил, Япония каби қатор мамлакатларда филиаллари бўлиб, унга таниқли олимлар, бир қатор мамлакатларнинг президентлари, вазирлар, ёзувчилар, мусиқачилар, мусаввирлар, элчилар, Миллий Академиялар ва университетлар президентлари, йирик бизнесменлар ҳақиқий аъзодирлар.

— Жўра Ғаниевич, мана шу ишларга алоқадор бирор ишларингизни кўриб, таҳлил қилиб академияга ҳақиқий аъзоликка сайлашдими ёки бошқа сабаб борми? Умуман халқаро микёсда нима ишлар қилинди?

— Адашмасам, аввало «Sentral Asia monitoring» (Сентрал Эйша мониторинг») журналида «Ўзбекистон таълимининг аҳволи ва истиқболи» мавзуида катта мақоламиз чоп этилганди. Бу журнали дунёнинг 158 мамлакати олади. Демак Ўзбекистон таълимидаги янгиланиш ва истиқбол режаларидан дунёнинг шунча мамлакати бохабар бўлди. Шунингдек, АҚШда, Японияда бўлиб, улардаги таълим тизимини ўрганиб, Ўзбекистон билан илмий жиҳатдан қиёслаб «Хорижда таълим» номли рисола чоп этганмиз. Яқинда эса ЮНЕСКО билан ҳамкорликда махсус мактаблар борасида илмий-амалий анжуман ўтказдик. Мана шулар ҳам сабаб бўлса керак.

— Мазкур йўналишдаги режаларингиз қандай? Халқаро Академия имкониятидан қандай фойдаланиш мумкин?

— Айни кунда кадрлар тайёрлаш бўйича давлатимизнинг миллий дастури тузиляпти. Фармонда вазирликка алоҳида кўрсатмалар бор. Бу борада ишчи гуруҳи раиси сифатида беш йиллик даврдаги ютуқлар билан бирга нималар етишмаётганини таҳлил қилдик. Унда тарихий тажрибаларимиз билан бирга аллақачон бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган чет эл таълими тажрибасини ўрганиб, янги авлод кадрларини тайёрлаш режасини тузяпмиз. Агар зарурат туғилса, унга чет эл экспертларини жалб қилиб, мана шу академия аъзоларини ёрдамга чақирамиз. Академия ўз фикрини билдирса, бу халқаро стандартларга мос келадиган дастур бўлади. Яна бир ниятимиз, чет эл таълим тизими билан биргаликда ўзимизда ҳам таълим индустриясини ташкил этишдир. Таълим индустрияси деганда таълим ишларини йўлга қўйишда технологик жиҳозлар назарда тутилади. Ҳозирча чет эллардан оляпмиз, лекин қачонгача? Бу жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқарилиши керак. Дейлик, айни кунда стол-стуллар, мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Келажакда химия, биология, физика асбобларини ва таълим учун зарур бўлган жиҳозларни ишлаб чиқариш керак. Албатта, улар ҳам халқаро даражаларга жавоб бериши керак. Бунинг учун эса халқаро экспертлар фикрини оламиз. Бундан ташқари маориф муаммоларига бағишланган конференциялар ўтказиш, ҳамкорликда дарсликлар чиқариш ниятимиз бор.

— Бу борадаги ишингизга ҳам муваффақият тилаймиз.

UNITED STATES OF AMERICA

THE INTERNATIONAL ACADEMY OF SCIENCES, EDUCATION, INDUSTRY, & ARTS

DIPLOMA

PRESENTED TO

DZURA G. YULDASHEV

IN RECOGNITION AND CERTIFICATION OF BEING ELECTED AN ACTIVE MEMBER

OF THE ACADEMY

March 1, 1996

President

CALIFORNIA

МУАЛЛИМ МАНФААТДОР БЎЛСА...

(Боши 1-бетда).

дан ташқари 20 тонна тола, 40 тонна чигит ҳам фойдага қолди.

Исмат ЭШБЕКОВ,
Зомин туманидаги
А. Яссавий номидаги
37-ўрта мактаб-боғча
комплекси директори:

— Даргоҳимиз қошида 1995-96 йилларда «Муаллим» деҳқон фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, 10 гектар сувли ери бор. Ҳозирда ушбу хўжалигимизнинг талбиркор банкда ўз ҳисоб рақами бўлиб, 146640 сўм маблағи бор.

Бундан ташқари «Ғолиб» ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбарлари ҳамда туман ҳокимининг қарорига асосан 1997 йил январь ойидан бошлаб «Муаллим» деҳқон-фермер хўжалигини янада кенгайтириш мақсадида 76 гектар сувли ер қўшиб берилди. Ҳозир умумий ер майдонимиз 86 гектар. Шундан 15 гектарига бўғдой экилиб, дастлабки ишлов бериб қўйилди. Қолган ерларимизга эса 40 гектарига пахта, сабзавот ҳамда маккажўхори экишни режалаштирганмиз.

Мактабимизда яна бир даромад топиш манбаи «Этикдўзлик», «Сартарошхона» очилиб, ҳунар ўргатиш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Тўлабой РАҲИМОВ,
Зарбдор туманидаги
7-ўрта мактаб
директори:

— Мактабимизга қўшимча маблағ топиш учун жамоа хўжалигимиздан ер майдони ажратиб берилган. Ва яна даргоҳимизда ҳайдовчилик, дурадгорлик тўгараклари ҳам борки, улардан ҳам яхшигина фойдаланяпмиз. Шу тарзда топган даромадимиз эвазига 3 йилдан бери мактабимизни ўзимиз таъмирлаяпмиз. Даромадларимиздан ўқитувчилар, моддий шароити оғир болалар ҳам манфаат кўрадилар. Мана бу йил мактабимизга ўзимиз обуна учун 27 минг сўм пул ажратдик. Умуман олганда бугун замон талбиркорники. Мен бу гапга раҳбар сифатида аминман.

Дарвоқе, юқорида берган саволларимизга ҳамма мактаб раҳбарлари бир хил жавоб беришди. Маълум бўлишича, ҳар бир мактабнинг ёлланма ишчилари ижарага олинган техникалари мавжуд. Ўқиш-ўқитиш жараёнига эса қилинаётган ишларнинг салбий таъсири бўлмаяпти. Аксинча, ўқиганингиздек баҳоли қудрат ёрдам бераяпти.

Биз бу гапларга бироз шубҳа билдирган бўлдик. Аммо шуниси аниққи, айтиб ўтилган мактабларнинг ҳар биридан туман, вилоят олимпиадаларида ғолиб чиққан ўқувчилар ҳам бор. Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, йўлини топиб ҳар бир ишни уддаласа бўлади. Бу борада юқорида гапириб ўтган мактаб раҳбарларидан бошқалар ҳам ўрнак олса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Маълумки, бугун кўпчилик мактабларда кадрлар етишмаслигидан нолиб қолишади. Ваҳоланки, айтиб ўтилган мактабларнинг ҳеч бирида бу масала бўйича ҳам муаммо йўқ. Тўғри-да, ойлик маошидан ташқари яна моддий ёрдам олаётган ўқитувчи мактабни ташлаб кетармиди. Аксинча, бу сингари мактабларга ўқитувчи бўлиш орзусида юрганлар ҳам топилса керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза пайдо бўлади. Дейлик, пахтачилик билан шуғулланаётган мактаб ўқувчиси пахта етиштириш сиру синоатидан ҳам воқиф бўлади. Ёки боғдорчилик, устачилик ишлари ҳам ижобий натижалар бериши мумкин. Демак, мактабда қўшимча даромад топиш манбаларидан ўқувчилар тажриба майдони сифатида фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда ўқиш ҳам, даромад ҳам бўлади.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.



Салимжон Тожибоев Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 11-ўрта мактабининг зукко ўқитувчиларидан ҳисобланади. У 1996 йил «Йил ўқитувчиси» вилоят кўрик-танловида 1-ўринни олиб 1997 йил Республика «Йил ўқитувчиси» танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

РОССИЯ ЭКОЛОГИЯСИ УЧУН

АҚШ, Хитой ҳамда россиялик бир гуруҳ эколог олимлар уч йил давомида ер юзининг 26 миллион гектар майдонини ўрганиб чиқдилар. Улар Россиядаги Уссурия дарё ҳавзаси табиатини, ундаги ноёб йўлбарслар ҳаётини сақлаб қолиш дастурини туздилар. Кўриқхоналар яратиш учун маблағни Осиё тараққиёт банки ажратиб бериши мумкин экан.

МУКАММАЛЛИК

АҚШ, Испания, эстониялик олимлар минглаб галактикаларни урганиб оламнинг харитасини тузди. Маълум бўлишича, сонсиз юлдузлар ҳам ажойиб тартибга эга бўлиб чиқди. Коинотдаги галактикаларнинг 220 га яқин тўпламларининг ҳар бири икс, игрик, зет координаталар системасида узаро маълум масофаларда жойлашган экан. Бу — олмос молекуласи атомларининг тузилиш тартибига жуда ўхшаш.

САРАТОНГА ҚАРШИ ҚЎНҒИЗ

Европа Иттифоқининг тиббиёт бўйича конференциясида сўзга чиққан профессор Х. Мессернинг кўрсатишича, Германияда ўн йиллардан бери саратон касали билан оғриган беморлар «Мега Мейол» дориси ёрдамида муваффақиятли даволаниб келинмоқда. Амазонка дарёсининг одам оёғи етмайдиган ерларидан топилган қизил қўнғизда учрайдиган «покардия опака» бактерияси ҳужайрадаги генетик бузилишларни тўхтатиб қолиш хусусиятига эга эканлиги маълум бўлгач, бактерияни топган профессор Удо Эренфельд махсус препарат ишлаб чиққан эди, бироқ ҳозирча ушбу йўл билан даволаниш тўлиқ ишлаб чиқилмаган ҳамда қимматга тушмоқда.

Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosini o'rganamiz

O'N BESHINCHI MASHG'ULOT

Sh (Ш)

Sh — ҳарфлар бирикмаси ш товушини ифодалайди.

Sh товушининг амалда қўлланилишига мисоллар: Sharof — Шароф, Dilshoda — Дилшода, Shokir — Шокир, Shoira — Шоира, ish — иш, ulush — улуш, shifokor — шифокор, shahlo — шаҳло, shahodat — шаҳодат, mushoira — мушоира, mushtariy — муштарий, shon-shuhrat — шон-шуҳрат ва шу кабилар.

Гаплар тузамиз: Ishlamagan tishlamaydi — Ишламаган тишламайди. O'zinga yoqmagan ishni o'zgaga tilama — Ўзингга ёқмаган ишни ўзгага тилама. Bugungi ishni ertaga qo'yma — Бугунги ишни эртага қўйма. Dangasalik qashshoqlik keltiradi — Дангасалик қашшоқлик келтиради.

Вазифа: бир товушни ифодаловчи ҳарф бирикмалари билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг.

O'N OLTINCHI MASHG'ULOT

MUSTAQIL O'QISH UCHUN MATN VA BAUOTLAR

Har kim ilmu hikmatni o'rganmoqchi bo'lsa, o'qishni yoshligidan boshlasin, salomatligini saqlasin, yaxshi axloq egasi bo'lsin, so'ziniig ustidan chiqsin, yomon ishlardan, xiyonat, makr-hiyladan uzoq tursin, diyonatni, barcha qonun-qoidalarini bilsin, bilimdon va notiq bo'lsin, dono kishilarni hurmat qilsin.

(Abu Nasr Forobiy, 873—950).

Ҳар ким илму ҳикматни ўрганмоқчи бўлса, ўқишни ёшлигидан бошласин, саломатлигини сақласин, яхши ахлоқ эгаси бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан, хиёнат, макр-ҳийладан узоқ турсин, диёнатни, барча қонун-қоидаларини билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, доно кишиларни ҳурмат қилсин.

(Абу Наср Форобий, 873—950)

Turkiy tilda dog'i naqsh keldi ajab,
Hatto sehrgarlar bog'ladilar lab.
Bunday yoqimli naqsh tushirgan qalam,
Boshiga ofarin yo'gdirsin olam.
Kechirsin forsiyda gavhar terganlar,
Dariy tilida dur, gazna berganlar.
Buning tili ham gar bo'lganda dariy,
Majolsiz qolardi ularning bari.

(Abdurahmon Jomiy, 1414—1492)

Туркий тилда доғи нақш келди ажаб,
Ҳатто сеҳргарлар боғладилар лаб.
Бундай ёқимли нақш туширган қалам,
Бошига офарин ёғдирсин олам.
Кечирсин форсийда гавҳар терганлар.
Дарий тилида дур, ғазна берганлар.
Бунинг тили ҳам гар бўлганда дарий,
Мажолсиз қоларди уларнинг бари.

(Абдураҳмон Жомий, 1414—1492).

So'zdirki, nishon berur o'likka jondin,
So'zdirki, berur jonga xabar jonondin.
Insonni so'z ayladi judo hayvondin,
Bilkim, guhari sharifroq yo'q andin.

(Alisher Navoiy, 1441—1501)

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифрок йўқ андин.

(Алишер Навоий, 1441—1501)

Eng yagin do'sti aziz hamdard darmondur kitob,
Hamdamim, hamsuhbatim ham qadirdondur kitob.
Menga ilm o'rgatuvchi ustod bilimdondur kitob,
Tanda jonim xizmatiga rangdagi qondur kitob.

(Dilshod Barno, 1800—1905)

Энг яқин дўсти азиз ҳамдард дармондур китоб,
Ҳамдамим, ҳамсуҳбатим ҳам қадирдондур китоб,
Менга илм ўргатувчи устод билимдондур китоб.
Танда жоним хизматига рангдаги қондур китоб.

(Дилшод Барно, 1800—1905)

Шу билан машғулотларимиз тугади.

БОЛАЛИКДАН ЭШ БЎЛГАН ОРЗУ

Ўқитувчилик Энгель Ҳасановнинг қалбига болаликдан кирган пок орзу. Бугун эса шу орзуларнинг рўёби, интилишларининг самарасини кўриб Энгель аканинг мактабга, маорифга бўлган меҳри умрбод эканлигини осонгина тушуниш мумкин.

Халқ таълимини ривожлантириш, ўқитувчиларга яхши меҳнат шароити яратиб бериш, давр руҳига монанд иш олиб бориш шу кунларда Беруний шаҳар халқ таълими бўлими мудири Э. Ҳасановнинг асосий мақсадидир.

Боғчаларда ота-оналар тўлайдиган бадал пулларининг кўпайиб кеттанлиги баъзи бир гуруҳларнинг қисқариб кетишига сабаб бўлди. Энгель Ҳасанов фаоллар билан кенгашиб мактабларга ҳам, боғчаларга ҳам ер участкалари ажратиб, деҳқончилик қилиш эвазига қўшимча маблағ топиб, таълим-тарбия муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш имкониятини яратди. Туман ҳокимлиги томонидан ҳам маъқулланган бу ташаббус ўз самарасини бера бошлади. Таълим-тарбия муассасалари ўз моддий аҳволларини анча тиклаб олишди.

Замон талабига мос иш тутган киши янглишмайди. Туман мактабларида ишлаб турган пойабзал устахонаси, сартарошлик, тикувчилик цехларида ўқувчилар касб-ҳунар ҳақида тушунча олсалар, иккинчидан имтиёзли суратда хизмат турларидан фойдаланмоқдалар.

Шаҳар мактабларида «Маънавият ва маърифат» марказлари ишини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Энгель ака ҳар куни мактабларда бўлиб, ёшларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайиши учун ким қандай ишлаётганидан бохабар бўлади. Илғорлар тажрибасини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиб, семинар кенгашларда улар тажрибаларини оммалаштиради.

Утган йили кўп саъй ҳаракатлар эвазига туманда санатория типидаги соғломлаштирувчи боғча ишга тушди. Уни туман ҳокимлиги ўз бюджетидан таъминламоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарлари ўртасидаги фанлар, спорт турлари бўйича ўтказилаётган кўрикларда берунийлик ўқувчилар фахрли ўринларни эгаллаётганликлари, маорифга эътиборнинг ошиб бораётганлигида Энгель Ҳасановнинг ўзига яраша ҳиссаси бор.

Бугунги кунда икки ўғил, икки невараниг меҳрибон тарбиячиси бўлган Энгель ака учун тумандаги ҳар бир ёш ўз фарзандидан кам кўринмайди. Турмуш ўртоғи, тажрибали муаллима Алфира опанинг ҳам меҳри дарё. Бу оилада бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш, бор билим ва кучини маориф ишига сарфлашга бўлган интилиш кучли. Бугун 50 йиллик умрини сарҳисоб қилаётган устоз Энгель Ҳасановга: интилишларингиз доимо ажойиб самаралар беравер-син, дейман.

Гуландом ОЛЛОБЕРГАНОВА,
«Маърифат»нинг жамоатчи мухбири.

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ҲЎРКИН

Мазкур семинар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, унда республикамиз олий ўқув юртларидан 200 нафар профессор-ўқитувчи қатнашди. Хўш, йиғилганларда катта қизиқиш, жўшқин илҳом уйғотган бу илмий-амалий машғулот ўз олдига қандай вазифалар қўйганди?

Мамлакатимизда маънавият масалаларига жуда катта эътибор бериляпти. Президентимизнинг бу борадаги бир қанча Фармонлари ва қарорларнинг ўзи ҳам қўрсатиб турибдики, бу давлат аҳамиятига эга бўлган энг долзарб муаммолардан биридир. Турли даражада бўлиб ўтаётган йиғилиш ва учрашувларда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиляпти. Таълим тизимига «Маънавият ва маърифат асослари» 50 соатлик курсининг киритилиши ҳам бу йўлда қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Диёримизда маънавиятга бу қадар катта эътибор берилишининг чуқур сабаблари мавжуд. 70 йилдан ортиқ давом этган собиқ шўролар иттифоқининг олиб борган ғоявий пуч коммунистик сиёсати ўзидан оғир асоратларни мерос қилиб қолдирди. Миллатимизнинг маънавий-маърифий тараққиётига катта путур етказди. Коммунистик мафкура таъсири уларок халқимиз онгига сингиб кетган лоқайдлик, ўтмиш меросимизни билмаслик, миллий маданиятимизга ҳурматсизликнинг оқибати миллий ғуруримизнинг йўқолишига, маънавий қашшоқлашишимизга олиб келди. Катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат, садоқат, вафо каби фазилатлар кундан-кун заифлашди. Фақат ўзбекларгагина хос булган муқаддас оила ахлоқига путур етказилди.

Шу боис ҳам мустақилликка эришганимизнинг илк кунлариданоқ ёшларимизда бой маданий меросимизга, буюк аждодларимиз ва уларнинг таълимотларига чуқур ҳурмат, улардан фахрланиш ҳиссини уйғотиш тадбирларини амалга оширишимиз зарурати туғилди.

Таълим тизимига «Маънавият ва маърифат асослари» дарсларининг киритилишидан ҳам асосий мақсад шу. Ёшлар қачонки маънавий баркамол инсон бўлар эканлар, ўз касбларининг ҳақиқий жонкуярларига айланадилар. Ватан учун кўпроқ тер тўкишга ҳаракат қиладилар. Бу дарсларнинг киритилиши муносабати билан, ишни нимадан бошлаш керак, деган муаммони ҳал этиш, аниқ бир йўналишни белгилаб олиш мақсадида ўтказилган 20 кунлик ўқув машғулотларида таниқли файласуфлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар маърузалар қилишди. Улар мамлакатимизнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий тараққиёти асосларини тингловчиларга ёритиб бердилар. Маърузалар тарихий, илмий асосларга, фактларга бой бўлди. Шу боисдан ҳар бир маруза қизғин баҳс-мунозараларга, фикрлар алмашинувига боғланиб кетди. Аммо семинар машғулотларинг бундай жонли, серфайз ўтганининг яна бошқа бир сири ҳам бор. Хўш, нималардан иборат экан бу тилсим? Бу сир шундан иборатки, машғулотларда барчанинг дилидаги муаммолар ўртага ташланганди.

Маълумки, яқин ўтмишда маънавият, маърифат ҳақида сўз борганда, ғарб турмуш тарзидан андозалар олинарди. Ваҳоланки, инсоният қадр-қимматининг, чин маънавиятнинг илк бешиги ўзимизнинг Шарқдир. Зеро буни жаҳоннинг барча алломалари холис эътироф этишган. Маърузачилар Шарқнинг, шу жумладан Марказий Осиёнинг башарият маънавияти ва маданияти оламида тутган беқиёс ўрнини кўрсатиб беришди. Зеро буюк аждодларимиз: Беруний, Ибн Сино, Форобий, ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Навоий, Бобур ва бошқалар қолдирган маданий мерос, улар яратган сиёсий-ижтимоий, маънавий таълимотлар фақат бизнинг мамлакатимизгагина тегишли бўлиб қолмай, умуминсоний мазмунга эгадир.

Машғулотларда давлат ва дин муносабатлари, ислом динининг инсон маънавий камолотга эришишида алоҳида ўрни борлиги таъкидлаб ўтилди. Исломдаги ота-онага меҳр-муҳаббат, фарзанд тарбияси, оилага садоқат, ҳалоллик, тартиб-интизом каби ахлоқ меъёрлари бугунги кунимиз учун ҳам сув билан ҳаводек зарурлиги қайд этилди.

Она тили ва маънавият... Она тилимизга чексиз ҳурмат, эътиборли бўлмай туриб том маънода ҳеч қачон маънавиятли бўлолмаймиз. Шахснинг ўз-ўзини англашида маънавиятнинг ўрни, XXI асрда инсон шахси қандай бўлиши керак, деган муаммолар ҳам барчанинг диққат-эътиборидан четда қолмади. Шахснинг маънавий, ички ғўзаллиги, камтарлиги, самимий ва вазминлигини, унинг асл маънавий қиёфасини очиб берувчи мезон бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Мамлакатимизда демократик давлатни барпо этиш жараёни бормоқда. Бу ўз-ўзидан вужудга келадиган нарса эмас. Бунинг учун ҳуқуқий саводхон бўлишимиз ҳам шарт. Ҳуқуқий саводхонлик ҳам маънавиятнинг муҳим белгиларидан биридир. Ёшларимизда қонунларни билиш ва уларни ҳурмат қилиш, давлат тузумига садоқатли бўлишни шакллантириш зарур.

Ҳа, 20 кунлик илмий-амалий семинар жуда сермазмун ўтди. Галдаги вазифа эса бу ерда тўпланган билимларни талабалар онгига етказишдадир. Ўйлаймизки, таълим тизимининг жонкуяр профессор-ўқитувчилари бу масъулиятли ва шарафли вазифани кунгилдагидек ўташади.

АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИ НИМАЛАР ДЕЙИШМОҚДА?

«Маънавият ва маърифат асослари» курсининг ташкил қилинганлиги, унга мустақил Республикамизнинг тажрибали, билимдон мутахассисларининг жалб этилганлиги, мавзулар мақсадга мувофиқ танланганлиги, мулоқот, мунозара, баҳсларга алоҳида эътибор берилганлиги, проректорлар кенгаши тузилганлиги айни муддао бўлди. Биз ўз ўқув юртларимизга қайтгач, маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган дарс машғулотларини уюштириш учун фойдали назарий ва услубий йўлланмалар олдик.

Бундай долзарб тадбирни ташкил этганликлари учун Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддиларига миннатдорчилик билдирамиз. Хуллас, мамнунлик изҳор қилиш билан бирга қуйидагиларни таклиф этмоқчимиз:

— Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур айтганидек, ўтмиш донишманд ва алломаларимизнинг маънавий меросини, амалга оширган улуғвор ишларини улар қолдирган тарихий ёдгорликлар тимсолида кўриб, ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун Бухоро, Хива, Самарқандниг осори-атиқаларига, Темурийлар тарихи Давлат музейига ва бошқа зиёратгоҳларга, маънавият манбаларига талаба-ўқувчиларнинг саёҳатлари уюштирилса, назарий дарслар ижобий самаралар берарди. Иккинчидан, илмий-назарий жиҳатдан мукаммалликка эга бўлган адабиётлар чиқарилса, бу соҳа жонкуярларига амалий ёрдам бўларди. Учинчидан, шу хилдаги анжуманлар мунтазам ўтказиб турилса ва уларда вилоятлар олий ўқув юртларида амалга оширилаётган иш тажрибаларидан ҳам фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

С. ИНОЯТОВ,
Навоий давлат кончилик институти биринчи проректори.
И. ЖУМАЕВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти биринчи проректори.

* * *

Республика Олий таълим вазирлиги томонидан «Маънавият ва маърифат асослари» курсининг ташкил этилиши бугунги иқтисодий, сиёсий, маданий фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Бугун ўтказилган машғулотларга келсак, олимлар, адабиётшунослар, тарихчилар юқори савиядаги маърузалари билан тингловчиларда катта қизиқиш уйғотдилар.

Олимларимизнинг фалсафа, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, тарих ва бошқа фанларни урганишда авлод-аждодларимизнинг маънавий олами ва турли тарихий босқичларда ривожланиб бориши ҳақида қимматли маърузаларидан Ўрта Осиё халқларининг маданий меросларни, жаҳон тараққиётидаги ўрни юзасидан бебаҳо маълумотлар олдик. Ўқиш жараёнидан олинган билимларни институтимиз талабалари онгига етказиш, уларда халқимизнинг қадимий маънавий олами ҳақидаги кенг тушунчаларни шакллантириш бизнинг олдимиздаги катта вазифа эканлигини ҳис этиб турибмиз.

Б. ҚАЮМОВ,
Ангрен шаҳридаги педагогика институти умумий педагогика ва руҳшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

КЎНГИЛЛАР СУВ ИЧГАН ЙИГИРМА КУН

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида маънавият мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди

Биз Гулистон давлат университетидан ташриф буюрганмиз. Вазирлигимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Маънавият ва маърифат асослари» курси мақсадга мувофиқ бўлди. Энди ушбу фан, ўқув тизими асосий фанлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Бугун жамиятимизнинг маънавий қурилишида туб ўзгаришлар бўлаётгани сир эмас. Ушбу курс юзасидан яратилган дастурда ҳам шу нарсалар ўз аксини топган. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, миллатимиз маънавий салоҳияти билан асрлар давомида жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторида мустаҳкам турибди. Бизнингча, бу хил амалий машғулотларнинг уюштирилиши, махсус курсларнинг ташкил этилиши миллатимизнинг ана шу мавқеини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Б. ХОЛИҚУЛОВ,
С. ИСМОИЛОВ,
А. ҚАЮМОВ,
курс тингловчилари.

* * *

«Маънавият ва маърифат асослари» курси бўйича ўқиш, республика олимлари ва зиёлилари учун яна бир муҳим воқеа бўлди деб ўйлайман. Зеро, ёшларга аниқ фанлардан билим бериш билан бир қаторда биз зиёлилар учун ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Шу вақтгача маънавият масаласи барча ўқув юртларида тарқоқ ҳолда, яъни у ёки бу фан таркибида урганиларди. Маънавият ва маърифат масалалари юзасидан ягона ўқув дастури йўқ эди. Бу ўз навбатида, таълим ва тарбия ишларида маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий. Шунингдек мазкур курс машғулотлари жараёнида шу нарсага амин бўлмоқдамизки, эндиликда биз фалсафа, диншунослик, маданиятшунослик фанларини ўқитишга ҳам янгича ёндашиш заруратини англаб етаяпмиз. Бинобарин, бу фанлар бўйича ҳам янги дастурлар тузилаётганини инобатга олсак вазирликнинг амалга ошираётган қимматли ишлари кўзга янада яққолроқ ташланади.

Энди бевосита бизга тақдим этилган «Маънавият ва маърифат асослари» дастури ҳақида ўз фикрларимизни айтсак, қуйидагича мулоҳазаларимиз бор. Биринчидан, дастурнинг битта мавзуси «Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг ўзаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган ўрни» деб аталади. Бизнингча, уни «Иқтисодиёт ва унинг маънавиятга таъсири» деб номланса мақсадга мувофиқ бўларди. Иккинчидан, «Қадриятлар ва шахс маънавий камолоти» деб номланган мавзу қўшилса дастурдаги мавзуларни уйғунлаштиришга имкон берган бўларди, деб ўйлаймиз.

Умуман, «Маънавият ва маърифат асослари» курсининг талабаларга ўқитилиши ўзбек халқининг бой меросини кенг тарғиб этиш ва чуқур урганишга имкон беради.

Н. НАЗАРОВ,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти биринчи проректори.
О. ТОҲИРОВ,
шу институт доценти.

* * *

Хўш, йигирма кунлик илмий-назарий семинар ҳақида нималар дейиш мумкин? Аввало, бу Узбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир. Семинарга жуда катта тараддуд кўрилган экан. Йиғилганлар бекорчиликдан зерикиб мудраб ўтиришгани йўқ. Семинарнинг илк соатидаёқ тарқатилган адабиётлар, айниқса, яқинда чоп этилган ва қўпчиликнинг эътиборини қозонган «Ватан туйғуси» китоби барчани жиддий ишлашга, мулоҳаза юритишга даъват этди. Курс тингловчилари маънавият ва маърифат муаммолари бўйича рефератлар ёздилар. Маърузалар юқори савияда, мазмунли бўлди. Шу ўринда баъзи бир таклифларимиз бор. Биринчидан, проректорлар учун алоҳида семинарлар ўтказиш, улар учун иш режасининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, институт «Маънавият ва маърифат» марказлари маданиятимизни, маънавиятимизни тарғиб қилувчи техник воситалар, яъни слайдлар, аудиокассеталар, кинофильмлар ва дискетлар билан таъминланса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Шунингдек, яна бир муҳим масала назардан четда қолмаслиги керак. Яъни рус тилида ҳам маънавият ва маърифатга оид адабиётлар жуда зарур. Бунга бир тарафдан институтларда рус гуруҳларининг мавжудлиги сабаб бўлса, иккинчидан, бизнинг маънавиятимизни дунё бўйича тарғиб қилишимизда рус тилининг аҳамиятидан кўз юмиб бўлмайди.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этиб ўтилган таклифлар кейинги бўладиган анжуманларда инобатга олинса фойдадан холи бўлмасди.

Шухрат МУРОДОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг биринчи проректори.

O'zingizni sinab ko'ring

Ўзбекистон Республикаси Давлат Тест Маркази



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
(тест саволлари тўплами)

Тошкент - 1997

МАЪНАВИЯТНИ ТЕСТ БИЛАН АНИҚЛАБ БЎЛАДИМИ?

Муштарийларга таниш туюлаётган бўлиши мумкин ушбу сарлавҳа. Уни тест марказида амалга оширилаётган ишлар хусусида ёзган таҳлилий мақоламизнинг тагсарлавҳасида ўқигансиз. Мақолада, жумладан, сиз суратда кўриб турган ушбу тўпламнинг тайёрланаётганлиги ҳақида ёзгандик. Сарлавҳадаги саволни беришимиз ҳам журналистларга хос қувлик эди. Ахир киши маънавиятини тест орқали тўлақонли аниқлаб бўлмайди-да.

Бироқ тўпламнинг сўзбошисидаёқ биздаги бу гумонлар тарқаб кетди.

«Маънавият жуда кенг тушунча бўлиб, фикримизча унинг ботиний ва зоҳирий томонлари мавжуд. Маънавиятнинг ботиний томони инсоннинг қалби, шуури, тафаккури билан боғлиқ бўлса, унинг зоҳирий томонлари кишининг маданияти, маърифати, билими билан бевосита боғлиқ».

Дарҳақиқат, биз ҳам қалб, иймон, эътиқод билан боғлиқ жиҳатларни тестга солиш даргумон эканлигини назарда тутгандик.

«Инсон маънавиятининг ботиний томонларини аниқлаш мушкул, — дейилади тўпламда, — бироқ зоҳирий жиҳатларининг маълум қирраларини аниқлаш мумкин. Қуйида маънавиятни белгиловчи асосий омиллардан баъзиларини белгилашда ёрдам берувчи тест намуналари ҳукмингизга ҳавола қилинади».

Тўпламдаги тестлар учта:

«Тарих ва ҳуқуқ асослари», «Тил, адабиёт ва санъат», «Табиат, жамият ва аҳоли» қисмларига бўлинган. Бу саволларга жавоб топиш учун анчагина адабиётни ўқиган ёхуд радио-телевидение орқали олинган информацияларни таҳлил қилиб, киши ўзида мужассамлаштирган бўлмоғи керак. Қисқа қилиб айтиш мумкинки, тўплам ўзига хос янгилик ҳисобланади. Келинг, сиз ҳам ундаги айрим саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўринг-чи...

10. Амир Темурга ислом таълимотини муфассал ўргатган устози ким?
А) Мулла Алибек
В) Шайх Шамсиддин
С) Абдуллоҳ Қутб
Д) ўз отаси
Е) Шайх Хайриддин

49. Қуйидаги қайси аллома биринчи бўлиб ернинг думалоқ шаклда эканлигини асослаб берди?
А) Форобий
В) Улуғбек
С) Беруний
Д) Хоразмий
Е) Фарғоний

56. Ўзбекистонда Президент Фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминловчи органни аниқланг.
А) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди
В) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
С) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди
Д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Е) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

83. Тож маҳал ёдгорлиги қайси шаҳарда жойлашган?
А) Деҳлида
В) Аграда
С) Лоҳурда
Д) Бидарда
Е) Аҳмадободда

97. 1929 йилда ҳибсга олинган машҳур зиёли Мунаввар қори Абдурашидхонов қайси ташкилот раҳбари эди?
А) «Миллий истиқлол»
В) «Миллий иттиҳод»
С) «Шўрои исломия»
Д) «Шўрои уламо»
Е) «Туркистон мухторияти»

127. Ўзбекистон БМТга қачон аъзо бўлди?
А) 1991 йилда
В) 1992 йилда
С) 1993 йилда
Д) 1994 йилда
Е) 1995 йилда

133. Ўзбекистоннинг миллий валютаси — сўм қачондан бошлаб муомалага киритилди?
А) 1993 йил 1 августдан
В) 1994 йил 1 июлдан
С) 1994 йил 1 августдан
Д) 1993 йил 1 октябрдан
Е) 1994 йил 1 сентябрдан

141. Ҳуқуқ меъёрларига ҳурматсизларча муносабатда бўлиш жамият ҳаётида қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
А) қонуннинг ва жамият ҳаёти маромининг бузилишига
В) инсон ҳуқуқларининг чегараланишига
С) жиноятчиликнинг ўсишига
Д) жамият ҳуқуқларининг чегараланишига
Е) А ва С

151. Кўҳна Афросиёб шаҳри қаерда жойлашган?
А) Бухорода
В) Самарқандда
С) Хивада
Д) Хўжандда
Е) Термизда

113. Қайси манбалар Марказий Осиё халқларининг энг қадимги адабий ёдгорликлари ҳисобланади?
А) «Девону луғотит турк», «Авесто», «Шоҳнома»
В) «Ўрхун — Енисей ёдгорликлари», «Қобуснома», «Авесто»
С) «Авесто», «Девону луғотит турк», «Тарихи мулки Ажам»
Д) «Ўрхун—Енисей ёдгорликлари», «Авесто», «Девону луғотит турк»
Е) «Тарихи мулки Ажам», «Шоҳнома», «Қобуснома»

145. 1998 йилда навбатдаги Осиё ўйинлари қайси мамлакатда бўлиб ўтади?
А) Хитойда
В) Таиландда
С) Японияда
Д) Шимолий Кореяда
Е) Ироқда

6. «Маъмун академияси» Ўрта Осиёнинг қайси жойида ташкил этилган эди?
А) Хоразм воҳасида
В) Фарғона водийсида
С) Иссиққўл бўйларида
Д) Чу водийсида
Е) Вахш водийсида.

Урта Осиё халқлари маънавияти сарчашмаларини энг қадимги оғзаки ижод асарларидан, ёзма ёдгорликларидан қидириш лозим. Зероки, кўҳна ёзув ҳамда бадиий ижод намуналарида халқ тарихи, бадиий сўз санъати, турмушнинг турли қирралари ифодалангани билан бир қаторда, бу манбаларда аждодларимизнинг Ватан туйғуси, инсонпарварлик, эл-юртга садоқат, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, оила қуриш, унинг дахлсизлигини эъзозлаш каби маънавий масалалар ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари оғзаки ижод намуналари ҳамда ёзма ёдгорликларда ота-она, қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш, бола тарбияси, ирода, сабр, қаноат, шукр, ахлоқ, одоб, мардлик ва жасорат ҳақида ҳам ибратли фикрлар мавжуд. Жумладан, «Тўмарис», «Широқ», «Заррина ва Стрмангия», «Алп Эр Тунга» достонларида халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик ғоялари билан бирга, турли элатларнинг бирлиги, юрт мустаҳкамлигини таъминлаш, аждодлар удумига меҳр, оила мустаҳкамлиги, метиндек ирода, руҳ поклигию қалб софлиги ҳақида ҳам насиҳат оҳангидаги мулоҳазалар мавжуд. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобида келтирилган туркий шеърларнинг мавзуси, ғоявий йўналиши янада мароқлидир. Уларда зулм-зўрликни қоралаб, Ватан, эл ҳимоясига даъват, ота-она, улуғларни эъзозлаш, ҳалол меҳнат эвазига ризқ топиб яшаш, илм ўрганиш, олимлар билан кенгашиб иш қилиш, судхўрлик, ғирромлик қилмасликка даъват этилади, энг ғўзал инсоний туйғулар мадҳ этилади.

Ундаб улуғ чақирса,
Тезлик билан чопиб кел.
Очликда бирга бўлгил,
Не ҳолда бўлса юрт, эл.
Келса қанча қаттиқлик,
Ўтиб кетар, сабр қил.

ЎЗЛИГИМИЗ ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

Қадимги ёзма ёдгорликлардан бизгача энг мукаммалроқ етиб келгани зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир. Унинг илк қисмлари эрамиздан олдинги X-VIII асрларда пайдо бўлган. Кўпхудоликка қарши якка худо Ахурамазда ғоясини тарғиб этган, оташпарастлик динига асос солган Зардўшт XI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида «Авесто»ни узил-кесил шакллантиради. «Авесто» 12 минг хукиз терисидан ишланган қоғозга кўчирилган. Қирғинбарот урушлар натижасида «Авесто»нинг тўла нусхаси нобуд бўлган. Бизгача китобнинг учдан бир қисми сақланиб қолган. У «Яшж», «Ясна», «Виспарад», «Вендидод», «Хорда Авесто» сингари бўлимлардан иборат. «Авесто» диний китоб бўлиши билан бирга катта маънавий, маърифий, адабий моҳиятга ҳам эга. Зероки, китобда қабила, уруғлар ўртасидаги адоват, айирмачилик қаттиқ қораланиб, илмли, адолатли ҳукмрон остида бирлашишга, эл-ни қирғин, юртни хонавайрон қиладиган урушларга барҳам бериб, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликни ривожлантириб, тинч-тотув яшашга даъват этилади. Бундан ташқари китобда бола тарбияси, инсон камолотида илм, ҳунарнинг аҳамияти, турмуш ва шахсий гигиена, атроф-муҳитнинг тозалигига риоя қилиш, табиат муҳофазаси, инсонларда учрайдиган бузуқичилик, ғаразгўйлик, бахиллик, таъмагирлик, танбалликнинг олдини олиш хусусида ҳам ҳамон ўз қимматини йўқотмаган панд-насиҳатлар берилган. «Авесто» Шарқ табобати тарихини ўрганишда ҳам ягона манба ҳисобланади. Чунки, унда касалликларнинг жуда кўп даволаш усули баён этилган, доривор ўсимликларнинг мингдан ортиқ тури кўрсатилган.

Демак, биз ҳозирги кунда маънавиятимиз асослари ҳақида фикр юритганимизда аждодларимиз томонидан энг қадимги замонларда яратилган оғзаки ва ёзма ёдгорликларга, албатта, эътибор беришимиз зарур экан. «Маънавият ва маърифат асослари» курсини ўқитишда бунга алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

Саҳифани тайёрловчилар: Луқмон БЎРИХОН, Рустам БОЙМУҲАММАД.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Шундай қилиб 20 кунлик семинар ҳам ўз интиҳосига етди. Илмий-амалий анжуманда қатнашганларнинг ҳар бирлари ҳам ўз иш фаолиятларига доир зарурий билимларни янада мустаҳкамлашгани табиий. Энг асосийси, унда қатнашганлар нафақат маърузалар ва илмий баҳслар уюштириб қолмай, балки маданий ҳордиқ ҳам чиқардилар. Ахир яхши дам меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмаган-да. Анжуман қатнашчилари Муқимий, Ҳамза номидаги театр ижодий жамоалари билан, Узбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ва таниқли хонанда Нуриддин Ҳайдаровлар билан учрашиб, қизиқарли саҳна асарларидан парчалар томоша қилдилар. Хушовоз ҳофизларнинг дилўртар қўшиқларидан оламжаҳон завқ олишди.

Э. МИРЗААЛИЕВ.

«O'zbek tili» doimiy anjumani oldidan

САНАЛАРДАН СЎЗЛОВЧИ САНЪАТ

Матн — бу киши нутқий фаолиятининг маҳсули бўлиб, у маъно жиҳатдан таҳлил этилади. Бадиий матнларни, айниқса, мумтоз адабий асарлар матнини таҳлил қилиш учун ўқитувчи маълум қўникма ва билимга эга бўлиши керак. Мумтоз матнларни лисоний таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи бевосита бадиий санъатларга ҳам дуч келади. Бадиий санъатларнинг баъзи турлари борки, уларни араб ёзувида ифода этмасдан ўқувчиларга тушунтириб бўлмайди.

Араб ёзувига асосланган бадиий санъатлар сўз ўйинлари асосига қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бири узига хос хусусиятларга эга. Таъриҳ санъатида — сана, муаммода исм, чистонда эса — нарса ва ҳодисалар яширин ифода этилган бўлади. Булардан ташқари мумтоз матнларда учрайдиган ёзув билан алоқадор бўлган ўхшатишлар, сўз ўйинлари ҳам бор. Уларда ёрнинг қомати «алиф» ҳарфига, ошиқнинг қадди «дол»га, қоши «йо» ҳарфига қиёс қилинадики, буни тасаввур қилиш учун ўқувчи ҳарфнинг шаклий ҳолатини билиши, ёзиб кўрсата олиши керак.

Таъриҳ санъати — ҳаётда юз берган воқеалар, туғилиш, ўлиш ва биноларнинг қурилган йиллари, асарларнинг ёзилган саналарини абжад ҳисоби асосида баён қилиш санъатидир.

«Бобурнома»дан олинган ушбу матнга эътибор берайлик:

«... Қобулнинг аркида Ҳумоюн мутаваллид бўлди. Тарихи валодатини мавлоно Сайидий шоир «Султон Ҳумоюнхон» топиб эди, Қобул шоирчаларидан биров «Шоҳи Феруз қадр» топиб эди, уч-тўрт кундан сўнг Ҳумоюн исми билан мавсум бўлди». Араб ёзуви ва абжад ҳисобидан хабардор ўқитувчи матндаги «Султон Ҳумоюнхон» ва «Шоҳи Феруз қадр» сўзларини дарҳол эски ўзбек ёзувига ағдариб ва ҳар бир ҳарфга ўз рақами маъносини бериб ҳисоблаб чиқади, натижада ўқувчилар бу сўзлар замирида Ҳумоюннинг туғилган йили (913- ҳижрий) яширинганини билиб оладилар.

«Бобурнома»да яна Улуғбекнинг вафот этган йили ҳақида «Аббос қушт» (853-ҳижрий), Нуён улимига доир «фавм шуд Нуён» (907-ҳижрий), ариқнинг қазилган йили яширинган «Жўйи хуш» (925-ҳижрий), шунингдек, Абдулатифнинг Бобо Ҳусайн деган кимса томонидан ўлдирилганлигига ишора қилувчи «Бобо Ҳусайн қушт» (854-ҳижрий) каби таъриҳ моддалари келтирилган.

Бундай таъриҳларни яна бошқа мумтоз матнларда, жумладан «Юсуф ва Зулайҳо» асари муқаддимасида, Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Фарҳод ва Ширин», «Муҳокаматул-луғатайн» асарларида, шоир Турдининг «Суҳонқулихон ва унинг амиру умароси ҳақидаги ҳажвия»сида асар ёзилган санага ишора қилиб битилгани ҳолда учратамиз.

Умуман, мумтоз матнларни, айниқса, ёзувга алоқадор бадиий санъатлар ифода этилган матнларни араб ёзувини татбиқ этмасдан таҳлил қилиб бўлмайди. Мактабларимизда эски ўзбек ёзуви тил ва адабиёт дарслари қаторида бирбирига боғлаб ўқитилмаётган экан, мумтоз матнлар устида ишлашни қониқарли деб айтиш қийин. Ҳар қандай тил ва адабиёт ўқитувчиси эски ўзбек - араб ёзувидан етарлича хабардор бўлиши ва юқоридаги каби матнларни бевосита таҳлил этиш салоҳиятига эга бўлиши шарт. Бунинг учун педагогика институтларнинг филология факультетида мумтоз адабий асарларни ўрганишни эски ўзбек ёзуви асосида уйғунлашган тарзда ўқитиш зарур. Шу жиҳатдан Жиззах педагогика институтида шу йиллардан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига қўшимча равишда «Эски ўзбек тили ва ёзуви» мутахассислигини ҳам бериш йўлга қўйилганлиги яхши иш бўлди. Зеро, эски ўзбек ёзуви — бу мумтоз адабий асарларимиз битилган муқаддас ёзув, демакки, улкан маданиятимизнинг бир булагидир.

Мухтор Али МУҲАММАД,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Мустақил Узбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёт йўлига чиқиб олишида, миллий онг ва тафаккурнинг шакллашишида, баркамол инсонни тарбиялашда адабиётнинг ҳиссаси катта. Хўш, ана шу адабиёт олий таълим тизимида қандай ўқитилмоқда? Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида шу йилнинг октябрь ойида ўтказиш кўзда тутилаётган халқаро илмий-амалий конференция мавзуси шунинг учун ҳам «Адабиёт ўқитишнинг долзарб муаммолари» деб аталди. Дарвоқе, бу илмий анжуман Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос олим Субутой Долимов хотирасига ҳам бағишланади.

Дилдора АЛИҚУЛОВА.

Mahalla va maktab hamkopligi

ҲИММАТ БУЛОҒИ

Халқимизда «Маҳаллангота-онанг», деган гап бор. Ҳақиқатан бола тарбиясида маҳалланинг ўрни беқиёс. Бу борада маҳалла ва мактабнинг ҳамкорлиги жуда яхши самаралар бераётганини ҳам кўп кузатганмиз. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Янги турмуш» жамоа хўжалигининг Дегантепа маҳалласидаги ишларни эса ана шундай аҳилликларнинг яна биттаси десак бўлади.

Бундан икки йил муқаддам бу маҳалланинг фаоллари маҳалла оқсоқоли, истеъфодаги ички хизмат полковниги Шермат Собиров бошчилигида бошланғич мактаб очиш учун бел боғлашди. Туман халқ таълими бўлими, «Янги турмуш» жамоа хўжалиги бошқаруви маҳалла фаолларини қўллаб-қувватлади. Натижада икки ой ичида дала шийпони ўрнида бошланғич мактаб қад кўтарди. Бу қурилишда маҳалла фаолларидан Б. Қўшбоев, А. Аширматов, В. Халиловлар ўз ҳимматларини аямай, қўлларидан келганча ёрдам бердилар. Натижада Мустақиллик байрами арафасида 73-бошланғич мактабнинг очилиш маросими бўлди. Маҳалладаги барча бошланғич синф ўқувчилари энди узоққа бориб қийналмай ўз мактабларида билим олиш бахтига муяссар бўлдилар. Ота-оналарнинг ўша лаҳзалардаги қувончлари эса дунёга сиғмасди.

Кўп ўтмай яна маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда мактаб ёнида қўшимча хоналар қад кўтарди ва туман халқ таълими бўлими ёрдамида бу хоналар етарли жиҳозлар билан таъминланиб, таянч мактабга айлантирилди.

Ушбу билим масканида ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари ўтган йили «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловида иштирок этиб, туманда 1-ўринни эгаллашди ва вилоят кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этдилар.

— Мактабимиз ўқитувчилари келажак авлодга пухта билим беришда бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар, — дейди мактаб директори Аҳмадали Халилов. — Бунинг учун билим масканимизда тез-тез фан олимпиадалари, турли мусобақалар, учрашувлар уюштирилмоқда. Бу борада бизнинг маҳалла билан ҳамкорлигимиз иш бераяпти десам, адашмайман.

Яқинда ўқувчиларнинг билим олишга интилишларини кучайтириш мақсадида яна бир савоб ишга бел боғланди. Энг аълочи ва намунали хулқ эгаси бўлган ўқувчиларга ойига 50 сўмдан мукофот пули берила бошланди. Бунга маҳалла оқсоқоли Шермат Собиров ўз нафақа пулидан 300 сўм, фаоллар П. Уматалиев, М. Султонов, У. Худойқуловлар ойлик маошларидан 100 сўмдан ажратишди. Январь ойидан бошлаб бу мукофотлар ўз эгаларига топширилмоқда. Ҳозирча З. Ботирова, Э. Қўшбоев, М. Ҳусанбоева, Ш. Ўринбоева, Н. Тухлиева, Х. Турсунова ва бошқа кўплаб ўқувчилар мазкур мукофот эгаларидир.

Мактабда ўтказилаётган ҳар бир хайрли тадбирда маҳалла аҳли ҳам доимо бошқош. Бу эса ўғил-қизларимизни олижаноб ва меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда ўз самарасини беради, албатта.

Шарифа ИЛЁСОВА.

ОЛТМИШ ЁШНИНГ ОЛҚИШИ

Машинка «чиқ, чиқ» этади...

Рости, асабингиз дош беролмайди, бу иш қуролининг клавишлари худди миянгизга «тақ, тақ» урилгандек, тоқатсизланасиз. Тўғрироғи, машинкада ёзиш хонасидан тезроқ чиқиб кетгингиз келади. Шунақа, асабларимиз жуда ҳам нозик...

Аммо машинисткалар-чи? Уларнинг асаблари тошдан дейсизми? Йўқ, уларники сиз билан бизникидан ўн ва юз чандон инжиқроқ. Уларнинг жонига тўзим бермасин экан...

Турсуной опа Аъзамова... Бу аёлнинг исми-шарифи 35 йилдирки, «Маърифат» газетаси таҳририяти ходимларининг тилидан тушмайди. Бу даргоҳга кимлар келиб, кимлар ишлаб кетмади. Турсуной опа уларнинг кўпини кўрди, бирига опа, бирига сингил ва яна кимларгадир онадек бўлиб қолди. Бу — ишхона. Гоҳо иш юзасидан таънаю дашном эшитиш, аразлашиб қолиш ҳоллари бўлмайди дейсизми? Аммо шундай пайтларда ҳам Турсуной опа бу жамоани тарк этишни хаёлига келтирмади...

Газета эса ўпқон экан, қўлёзмалар оққа кўчирилдими, ютаверар экан. Папкалар сира бўш турмайди, энди оққа кўчириб бўлишдими, ходимлар тағин тўлдириб қўяверишади.

Умр шошқин дарё экан. Тошиб-тошиб оқади ва охири ёшинг бир жойга бориб қолганда, унинг оқар сувдек жилоланиб, кўз очиб юмгунча ўтиб кетганини сезмас экансан. Турсуной опамиз ҳам, мана, табаррук 60 ёшга етдилар. Ўзи ҳам ҳайрон, шунча йил қандай қилиб ўтиб кетди? Олтмиш ёш-а? Опанинг оқ-сариқдан келган юзига қўнган чизиқлар, оқарган соч толалари, машинкада ёзар маҳали тақадиган кўзойнаги бари-барида ана шу йилларнинг изи ўхшатиб солиб қўйилгандек.

Турсуной опа Аъзамованинг хислатлари.

У — гулсевар аёл. Хонасига кирсангиз, гўёки гулзор.

Тувакларга ўтказилган хонаки гулларнинг гоҳ тагини юмшатган, гоҳ озиқлантирган, гоҳ суғорган ҳам опанинг ўзи. У шунчалик гулга шайдоки, ҳатто қўлбола гуллар ҳам хонасига кўрк бағишлаб турадди.

У — дуогўй аёл. Тушлик маҳали «Маърифат»да ишлайдиган аёллар унга фотиҳа ўқиттиришади. Турсуной опанинг дуолари эса ҳамиша бир хил ва самимий: «Илоҳо, тан-жонинглар соғ бўлсин! Топганинглар яхшиликка буюрсин! Ўғил-қизларимизга яхши жойлардан ато қилсин, кам бўлманглар»!

У — ҳожатбарор. Газета ишидан ташқари, қанчадан қанча олимлар, ёзувчилар, шоирларнинг ҳожатини чиқармади? Ғазалларини оққа кўчириб берганлиги учун шоир Чустий унга атаб чиройли шеър битиб, ўз дастхатини ёзиб, китобча тақдим этган. Бошқа муаллифлар гул ҳадя этишади, раҳматлар ёғдиришади...

Хуллас калом, Турсуной опанинг ижобий хислатлари кўп. Камтарлиги бор. Доимо таҳририятга шошади, айниқса, газета чиқадиган куни у жуда бетоқат, суҳбатлашишга ҳам вақтини қизғанади. Куюнчак, ноҳақликка чидаб туролмайди.

Дарвоқе, Турсуной опа аллақачон нафақа ёшидан ошиб кетди. Аммо куч-қувватим бор экан, ишлаганим, албатта яхши деб ўйлайди у. Ишлаганингиз бизга ҳам яхши, Турсуной опа! Сизнинг «Маърифат»да алоҳида ўрнингиз, хизматингиз бор! Ҳали насиб этса, «Айбиэм» компьютерининг ишлаш жараёнини ҳам ўрганиб оласиз! Бунга сизда имкон ҳам, хоҳиш-истак ҳам топилади.

Турсуной опа, барча «Маърифат»чилар Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан табриклайдилар! Тилагимиз шуки, бугун сизга билдирган умуминсоний истакларимизни сизнинг 70 ,80 90, 100 ва ҳатто ундан кейинги баҳорларингизда ҳам изҳор этиш барчамизга насиб қилсин! Ўзингиз таъкидлагандай, тан-жонингиз соғ бўлсин! Камтарин бармоқларингиз ҳеч қачон толмасин!

«Маърифат» газетаси таҳририяти жамоаси.

Xullas...

НИМА БИЗГА АМЕРИКА?

Дунёдаги энг оғир бульдозер Ленин номидаги Челябинск трактор заводи томонидан 1984 йили ишлаб чиқарилган «Т-800» бульдозери ҳисобланади. 1990 йилга қадар заводда ҳар бири 100 тонна тош босувчи бундай бульдозернинг 9 таси қуриб битказилган. Америка деганлари ҳали бундай дастёр техникани тушида ҳам кўрган эмас. (Ҳа, айтганча, юқорида тилга олинган баҳайбат бульдозерлар бугунги кунда қаерда занг босиб ётгани ҳақида ҳозирча ҳеч бир маълумот тополмадик).

«БАШОРАТЧИНИНГ БАШАРАСИ ҚУРСИН»

Машҳур мунажжим — фолбин Павел Глоба генерал Александр Лебеднинг бутун орзу-умидларини чиппакка чиқарди. Унинг хабар беришича Лебед 1999 йилнинг охиригача ҳарчанд уринсада, президент бўлолмас экан! Ўрисия тожу тахтини шу йилдаёқ ўзича нақд қилиб қўйган Саша акага бу башорат сира ёқмади, уюлган қовоқлари баттар уюлиб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Бироқ, «бундай башоратчининг бети қурсин...» дея пўнғиллаш билан чегараланди ҳозирча...

ТОШКЕНТ РУБОБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бир пайтлар мусиқашуносликсоҳасида жавлон урган, кейинчалик тирикчилик важидан бозорма-бозор юришни касб қилган? Ш. исмли опа бир ҳафтача аввал Қозоғистон чегарасидаги машҳур Хитой бозорига жўнаворганди. Куни кеча у уч-тўрт қоп турли-туман товар ва ... битта ғаройиб маданий янгилик билан қайтди! Эмишки, опанинг қашқарлик уйғур «клент»лари. Янаги safar бизга Тошкент рубобидан опкелиб берсангиз», деб илтимос қилишибди. Табиийки, опа бундай товарнинг тусини кўз олдига келтиролмай, пича анграйиб турган. Шунда «заказ»чилар намуна кўрсатишибди...

— Бундоғ қарасам, — дея ҳаяжон билан ҳикоя қиларди опа, — улар ўзимиз «Қашқар рубоби» деб атайдиган рубобни менга кўрсатишяпти...

ana shunaqa gaplar

Sport

УЛАРНИ МАЛАЙЗИЯ КУТАЯПТИ

Маълумки, шу йилнинг май ойида Малайзияда таэквандо бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатида қитъанинг 10 мамлакатидан моҳир спортчилар қатнашиши белгиланган. Бугунги кунга келиб қитъанинг барча жойларида ушбу нуфузли чемпионатга йўлланма олиш учун қизғин баҳслар ва тайёргарликлар кетмоқда. Жумладан яқинда Тошкентда таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли 250 нафар спортчиси қатнашди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган баҳсларда ўз вазн тоифалари бўйича М. Акромхўжаев, Н. Толипов, Э. Нурохунов, Л. Ли сингари моҳир таэквандочилар ғолиб чиқишди. Айтиш мумкинки, бу мусобақа май ойида Малайзияда бўладиган Осиё чемпионатида ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

МЕЗБОНЛАР — МЕҲМОНЛАР — 4:2

Олий табақа жамоалари Ўзбекистон миллий чемпионати баҳсларининг учинчи турини шиддаткорлик билан ўтказишди. Фақат «Насаф» (Қарши), — «Афросиёб» (Самарқанд) учрашувида дарвозаларга биттадан тўп киритилиб дуранг натижа қайд этилди. Бошқа ўйинларда жамоалар ён босишни истамасдан тўп суришди. Хусусан, ўтган йилги чемпион «Навбаҳор», «Андижон» жамоасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида ғолиб бўлишди.

Шиддаткорлик жиҳатидан Марғилондаги ўйин, айниқса, эътиборни жалб қилди. Бу ерда маҳаллий «Атласчи» — «Бухоро» жамоасини қабул қилиб 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни (Салимов, Аҳмедов, Исмоиловлар) дарвозага киритишди.

Чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланаётган «Нефтчи» ҳамда олий лиганинг янги вакили Зарафшон (Навоий) учрашувида ҳам мезбонлар бош келишгани йўқ. Навоийликлар биринчи таймнинг 12 дақиқасида ҳисобни очишган бўлса, иккинчи бўлим «Нефтчи»нинг шиддаткор хужумлари билан бошланиб, 58 дақиқада С. Атоян ўзини кўрсатиб, рақиб дарвозасига тўп киритди ва учрашув 1:1 ҳисобида дуранг билан якунланди.

«Янгиер» жамоаси эса Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Шундай қилиб олий табақа жамоаларининг учинчи тур баҳсларида мезбонлар тўртта, меҳмонлар эса 2 та ғалабага эришди. Қолган 2 та учрашувда дуранг натижа қайд этилди.

Энди учинчи тур натижалари билан танишинг: «Дўстлик» — «Суғдиёна» 4:0, «Косонсой» — «МҲСК» — 0:1, «Хоразм» — Трактор» — 0:3.

Уч турдан кейин МСҲК, «Пахтакор» жамоалари тўққиз-тадан очко жамғарган ҳолда олдинда баришяпти.

Навбатдаги IУ тур учрашувлари 30-31 март кунлари ўтказилди. Учрашув натижалари билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишиб борасиз.

Улуғбек АКТАМОВ.

Sog'lom avlod uchun

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 29-ҳунар билим юртида 632 нафар йигит-қиз таълим олади. Айниқса, мазкур даргоҳда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё. Спорт зали ва майдончасида ҳар куни жисмоний тарбия муаллимлари Р. Мажидов, Ш. Мамараҳимов, Ё. Чориев ҳамда Ш. Номозовлар етагида футбол, волейбол, теннис, баскетбол, кураш бўйича машғулотлар олиб борилади. Билим юрти спортчилари вилоят миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда узликсиз қатнашиб доимо фахрли ўринларни эгаллаб келаётганликлари ҳам фикримизнинг яна бир исботи бўлса, ажаб эмас.

СУРАТЛАРДА: жисмоний тарбия ўқитувчилари Ш. Номозов ва Ш. Мамараҳимовлар 1997 йилда спорт машғулотларини янада кўтаринкилик даражасига олиб чиқиш масаласида келишиб олишди. Ўқитувчи Р. Мажидов ёш акробатлар билан машғулот пайтида. Баскетболчилар жамоаси машғулотларини жисмоний тарбия муаллими Шокир Номозов олиб боради.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

ОҒИР СЎЗ «ЮК»И...

Afsus...

Ушанда 10-12 ёшлар чамасидаги болалар эдик. Мактабда дарсларимиз тугагач, ҳамкишлоқлар кенг қумлоқ йўлни тўлдириб уйимизга қайтардик. Деярли ҳар куни шу ҳолат такрор эди. Мактабга бориш чоғида ҳар ким ҳар вақтда борса ҳам қайтишимиз бир вақтда бўларди. Олдинроқда одатдагидек сочларига оқ, қизил лентачалар таққан қизларимиз борарди. Биз эса тўрт-беш синфдош жўралар турли баҳс-мунозаралар, тортишувлар қилиб орқароқдан судралиб келардик. Шундай қайтиш кунларининг бирида юз берган кўнгилсиз бир воқеани ҳали-ҳали ўйлаб юраман. Ўйлайвериб юрагимда оғриқ сезаман. Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади. Шундоққина уй деразамиз олдидан шаҳардаги Абдулла Қаҳҳор номидаги мактабга ўтадиган болаларнинг қайтишини синчиклаб кузатаман. Хатти-ҳаракатларини ўзимнинг болалик чоғларим билан қиёслайман. Назаримда «ман-ман» болалар бироз кўпайганга ўхшайди. Босиқлар, фақирлар ҳам бор албатта. Шу чоғ хаёлимдан «ман-ман»лар фақирларнинг дилларини оғритмаяптиларми, деган ўй кечади. Шу ўй хаёлимдан ўтади-ю, беихтиёр сергакланаман.

Тўғрисини айтай. Ҳар гал туғилган қишлоғимга отланаётганимда ўзимни аввалгидек енгилроқ ҳис қиламан. Автобусдан тушишим билан қишлоғимнинг таниш буйи димоғимга урилади.

У анчадан буён кафтлари орасига олиб турган битта 10 сўмликни атрофига олазарак боқиб менга узатди.

— Ёлғон айтаяпти, — деди гапни илгаган болалардан бири.

— Дадаси уларни ташлаб кетган...

Эшитмаган эканман. Бахтиёр ерга қараб бироз турди. Сездим, ёлғон айтаётганлигидан у ҳижолат тортаётган эди. Ерга қарагани куйи кўзларига жовдираб ёш қуйилди. Орият кучлилик қилди. Сўнгра юзларини беркитганча даврадан чиқиб, уйлари томон чопиб кетди. У чопқиллаганча йиглаб кетиб борарди.

Бахтиёрнинг ота-онасини яхши танийман. Эр-хотин севиб-севишиб турмуш қуришган. Уларнинг оиласи кўпчилик ҳавас қилса арзигулик оила эди. Тинч-тотув, фаровон яшардилар. Йигит уддабуро, келинчак хушсурат, пазанда эди. Йил устида фарзанд туғилди. Ўғил. Йигит ўзида йўқ хурсанд. Келинчак ҳам эрини қувонтирганини қуриб фарзанди ўғил бўлганлигидан севинчда.— Суюниб қолдик, — деди кекса онаизор ўшанда. — Бахтиёрлик кунларимиздан нишона — исми — Бахтиёр бўлсин.

Бахтиёр дурқун ўсди. Қувноқ файзли кунлар ойларга, йилларга улананаверди. Бирин-кетин яна икки ўғил туғилди.

Икки йил бўлди оилага зимдан дарз кетганига. Бош сабаб — туқликка шўхлик. Йигит оилий маълумот олгач, ишлари жадал юришди. Сертакаллуф, серҳаракат бу йигит тез орада бошлиқларга ёқиб қолди. Аста-секин камолот пиллапоялари бошланди. Унинг қўлидан «иш» келадиган йиллар жамият учун нотекис ривожланиш йилларига — юлғичлик, кўзбўямачилик, пораҳўрлик авж олган пайтларга тўғри келди. Унга ҳам ихлос қўядиганлар, сохта хушомад қиладиганлар кўпайди. Бу сохта хушомадлар йигитни ептинчи осмонга кўтариб қўйди. У босар-тусарини билмайдиган бўлиб қолди. Кеч келадиган, бунинг устига машинада ичиб юрадиган одат чиқарди. У ўша куни ҳам одатдагидек кеч қайтди. «Жигули» сигналининг ярим тундаги узун ноласидан чўчиб уйғонган муштипар хотин эрини рул устидан зўрға суғуриб олди. Зум ўтмай эр оғзига келган сўзлар билан хотинига ҳақоратлар ёғдира бошлади.

— Мен қайта уйланмоқчиман, — деди у дангал. — Уйни бўшат. Ажримга келдим!

— Менинг айбим нима? — ялинди хотин. — Сизни ҳафталаб кутганимми?! Болаларимни оқ ювиб, оқ тараганимми?!

— Гап тамом, бугун судга ариза бердим.

Шу-шу Бахтиёрнинг отаси уйга қайтиб келмади. Дарҳақиқат кўп ўтмай ажрим масаласидаги отанинг аризасига мувофиқ гуноҳсиз хотинни суд чақирди.

— Болаларимни тирик етим қолдирманг. Бу йўлингиздан ҳалиям қайтинг, дадаси. Бир куни пушаймон бўласиз, — ялинди хотини суд куни ҳам.

Уйлаб кўриш учун орага олти ойлик муҳлат берилди. Йўқ, отанинг «қарори қатъий» чиқди. Ўзи қатнаб ишлайдиган шаҳардаги ўша бегона аёл билан пинхона аҳди паймонлар, унинг ноз-фироқлари енгилтабиат отани сархуш этган экан.

— Ажраламан, гап тамом, — деди эр олти ойлик муҳлат тугагандан кейин ҳам.

Начора. Залдан ор-номуси поймол этилган, юракка тиғдек санчилган оғир сўзлардан паймонаси тўлган аёлнинг мунгли йиглагани эшитилди.

Йигит ўша таниш жувоннинг уйига кўчиб борди. Тўғри, у болаларига нафақа пулини ўз вақтида жўнатиб турибди. Қонуний олсак, жўнатишга мажбур ҳам. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Болалар-чи?.. Уларнинг тақдирини қўл учидаги арзимас «садақа» билан бус-бутун деб бўладими?! Улар қачонгача «отаси ташлаб кетган» деган таъна-дашномларга чидаб яшайдилар.

Бола қалбида ота меҳридек ширин туйғу мужассам бўлиши керак. Оталари ташлаб кетган болалар ушбу туйғуни қаердан олсинлар. Наҳотки халқ орасида юрадиган ота ўз болаларининг мурғак қалбида ота меҳри сиғадиган жойни мудом кемтик қилаётганини ўйламаса?! Қани виждонли, диёнатли отага хос бўлган ор-номус?

Эндигина 10 ёшга қадам қўяётган бола «отам командировкада» деб сир сақлаши унинг ор қилганлиги эмасми?! Унинг «расм дафтар қанча туради» деб жовдираб турган кўзлари билинар-билинмас нажотталаб, «отаси ташлаб кетган» деган сўзни кўтаролмай, кўзларини яшириб ҳунграб йиглаши эса ёш боланинг изтиробга тўла митти юракчасининг оҳи бўлиб туюлди менга. — Киши шаънига тегадиган оғир сўз «юк»идан ортиқ изтироб бўлмайди, — дер эдилар раҳматли бувим. Юз карра, минг карра рост экан.

— Қўй, болам, кўпам диққат бўлаверма. Ҳаммаси ҳам эсли-ҳушли одамлар, — дейди онам пахта гулли пиёлада иссиқ чой узатиб. Она-бола бир пиёла чой устида узоқ суҳбатлашдик. Бир пайт тарғил сигиримизнинг чўзиб «мў-мў»лагани эшитилди.

— Ия, кеч бўлиб қолибди-ку, — дея онам ўрнидан қўзғалди.

— Соғилиш вақти озгина ўтса, тинчини йўқотаверади жонивор.

Онам сигир соғиш тараддудида чиқиб кетдилар. Мен эса ҳамон ўйлайман. Сигирнинг ҳар куни бир вақтда «мў-мў»лаши соғилиш пайти кечикаётганидан эмасдир. Балки ийдириш учун соҳибаси бўшатиб юборадиган боласининг иссиқ нафасини ҳис қилиш вақти ўтиб кетаётганлигидан бетоқат бўлиб зорланишидир. Худди шундай бўлиши табиий, ҳақиқатга яқин. Унда фақат забон йўқ. Биз нега лоқайдмиз? Нега бир-биримизнинг дилимизни оғритамиз? Бегуноҳ болаларимиз тақдирига нега бепарвомиз эй, эсли-ҳушли, дилли-забонли одамлар? Нега???

Дилмурод ЖАББОР.
Бухоро шаҳри.

Халқаро «Маърифат» жамияти жамоаси ёзувчи, халқаро журналист, халқаро «Маърифат» жамиятининг президенти Муҳиддин ҳожи ЖАББОР ўғли вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими 179-сонли мактаб физика ўқитувчиси Жўра Мусаевич ЙЎЛДОШЕВ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси жамоалари Аттестация ва аккредитация бўлимининг етакчи эксперти Ф. Маҳмудовга онаси Салтанат ая СОДИҚОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Лукмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6